

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ЭШОНКУЛ МОВУТОВИЧ**

**ХОЛЕЦИСТОХОЛЕДОХОЛИТИАЗ САБАБЛИ ЎТКИР ХОЛЕЦИСТИТ  
ВА ХОЛАНГИТДА ГИБРИД ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТЛАРНИНГ  
ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2025 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

**Абдурахмонов Эшонкул Мовутович**

Холецистохоледохолиятада ўткир холецистит ва холангитни даволаш учун  
гибрид жаррохлик амалиётларининг имкониятлари ..... 3

**Абдурахмонов Эшонкул Мовутович**

Возможности гибридных хирургических вмешательств в лечении острого  
холецистита и холангита при холецистохоледохолиятаде.....25

**Abduraxmanov Eshonkul Movutovich**

Possibilities of hybrid surgical interventions in the treatment of acute cholecystitis  
and cholangitis in cholecystocholedocholithiasis ..... 47

**Нашр этилган илмий ишлар руйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ЭШОНКУЛ МОВУТОВИЧ**

**ХОЛЕЦИСТОХОЛЕДОХОЛИТИАЗ САБАБЛИ ЎТКИР ХОЛЕЦИСТИТ  
ВА ХОЛАНГИТДА ГИБРИД ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТЛАРНИНГ  
ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2025 йил**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2024.1.PhD/Tib4332 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бабажанов Аҳмаджон Султанбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хужабоев Сафарбой Тухтабоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Лигай Руслан Ефимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**В.И. Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети. (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Самарқанд, ш. Анкабай кўчаси 6-уй. Тел./факс: (+99866)233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz), [samgmi@mail.ru](mailto:samgmi@mail.ru))

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Самарқанд, ш. А. Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: (+99866)233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz), [samgmi@mail.ru](mailto:samgmi@mail.ru))

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Н. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В. Шмирина**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**З.Б. Қурбониёзов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра<sup>1</sup>, ўт тош касаллиги (ЎТК) қорин бўшлиғидаги энг кўп учрайдиган касалликлардан биридир. ЎТКнинг бир шакли - холецистохоледохолитиаз (ХХЛ), бу бир вақтнинг ўзида ўт пуфаги ва умумий ўт йўлида тошлар мавжудлиги билан тавсифланади. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, ўт пуфаги ва умумий ўт йўлида тошлар мажмуаси симптоматик ЎТК билан оғриган беморларнинг 2,8-19 фоизида учраши мумкин.

Жаҳон миқёсида умумий ўт йўлида тошлар топилгандан сўнг, асоратларни ривожланишига йўл қўймаслик учун уларни олиб ташлаш керак, деб ҳисобланади. Холангиолитиёзнинг оғир асоратларига панкреатит, холангит ёки механик сариклик синдроми ривожланиши билан ўт йўллариининг обструкцияси каби касалликлар киради. Америка Гастроинтестинал Эндоскопия Жамияти<sup>2</sup> ўзининг 2019-йилги тавсияларида (АГЭЖ) ва «Ўткир холецистит» бўйича 2021-йилги миллий клиник кўрсатмаларида холедохолитиаз билан касалланиш хавфи асосида беморларнинг учта гуруҳини ажратади. Юқори хавф гуруҳига умумий ўт йўлида (УЎЙ) трансабдоминал ультратовуш текшируви (УТТ) маълумотларига кўра кўринган тошлари бўлган беморлар ёки холангит клиникасига эга беморлар ёки билирубинемияси 68,4 мкмоль/л дан юқори ва УЎЙни дилатацияси бўлган УТТ маълумотларига кўра беморлар киради. Ўрта хавф гуруҳига холедохолитиаз мавжудлигини текширувдан ўтказиш учун беморларни юқори жигар тестлари ёки 55 ёшдан катта беморлар ёки УТТ маълумотларига кўра гепатикохоледох кенгайган беморлар тавсия этилади. Паст хавф гуруҳига юқоридаги кўрсаткичларга эга бўлмаган беморлар киради.

Бизнинг мамлакатда, ўртача хавф гуруҳига кировчи холангиолитиаз фақатгина 10-50% ҳолларда бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Кўпинча бундай беморларга лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) жараёнида билиар йўллардаги конкрементларни аниқлаш ёки истисно қилиш учун интраоперацион холангиография (ИХГ) ўтказилади, айниқса, ўткир холециститли шошилиш беморларда. Холестохоледохолитиаз билан касалланган беморларни бир босқичли даволашнинг бир неча турлари мавжуд. Бундай оператив даволаш турларидан бири бу лапароэндоскопик Рандеву (ЛЭРВ). ЛЭРВ — бу умумий ўт йўлидаги тошга бир босқичли комбинацияланган лапароскопик ва транспапилляр эндоскопик кириш. Жарроҳлик аралашуви кетма-кет даволанишга самарали алтернатива бўлиб, бу қўшимча равишда ошқозон ости беги каналининг беҳосдан ретроград кануляцияси ва контрасти хавфини камайтиради ва шу билан операциядан кейинги панкреатит ривожланиш

<sup>1</sup> <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs377/ru/>

<sup>2</sup> Бурков П.Н., Марков В.В., Кондратьев А.И. Гибридные методы лечения холецистита и холедохолитиаза // Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии и колопроктологии. – 2018. – Т. 28, № 6. – С. 37–42.

<sup>3</sup> Курбаниязов З.Б., Аскарлов П.Ф., Мухиддинов Б.Х. Современные подходы к хирургическому лечению холецистохоледохолитиаза // Проблемы биологии и медицины, Самарканд, 2023. №6. С. 460-465.

хавфини камайтиради. ЛЭРВ усулининг афзалликлари кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган ва амалда қўлланган.

Бу усулнинг энг муҳим афзалликлари, икки босқичли даволашдан (эндоскопик ретроград холангиопанкреатография (ЭРХПГ) ва кейинги ЛХЭ) фарқли ўларок, асоратларнинг камайиши, хусусан, операциядан кейинги панкреатитнинг камайиши, муваффақият даражасининг ошиши ва пациентнинг шифохонадаги вақтни қисқартириши. Ушбу ҳолатлар бу муаммога бўлган қарашлар тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Шу муносабат билан, «...мамлакатни 2022-2026 йилларга ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари қуйидаги чоратадбирларни ўз ичига олади: аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар, тиббий ходимларнинг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йиллар учун соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурлари комплексини амалга ошириш...»<sup>4</sup>.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Тиббиёт-санитария хизмати муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат соғлиғини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бажаришга хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг республикадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV устувор йўналиши бўлган «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, Cook ва ҳаммуаллифлар (2001) томонидан таклиф этилган лапароэндоскопик “Рандеву” техникаси (ЛЭРВ) – бу бир вақтнинг ўзида қўлланиладиган жарроҳлик ва эндоскопик муолажани ўз ичига олган комбинацияланган операция бўлиб, холецистохоледохолитиаз касаллигига чалинган беморларни даволаш учун муқобил бир босқичли усул сифатида кўриб чиқилади. Ушбу усул даволаш босқичларини қисқартириш ва клиник натижаларни яхшилашга йўналтирилган.

Бу метод ҳали кенг тарқалмаган, чунки уни қўллаш учун жарроҳлик ва эндоскопик гуруҳларнинг бир вақтда операция хонасида бўлиши талаб этилади. La Greca ва ҳаммуаллифлар (2009) ЛЭРВнинг асосий камчиликларидан бири сифатида икки жамоанинг ишини

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

мувофиқлаштиришда логистика ва ташкилий қийинчиликлар борлигини қайд этишган. Lella F. ва ҳаммуаллифлар (2010) мазкур техника айниқса шошилиш жарроҳлик шароитида қийинчилик туғдиришини таъкидлаган. Бироқ, Tsovaras G. ва ҳаммуаллифлар (2014) ЛЭРВнинг ташкилий масалалар ҳал этилганда ҳатто шошилиш ҳолатларида ҳам хавфсиз ва самарали бўлиши мумкинлигини исботлашган.

Лапароскопик операция тахминан 30-45 дақиқа қўшимча вақт талаб қилади, бу вақт лапароскопик босқичда холецистэктомия ва пуфак йўлини канюляция қилишга сарфланади (Clifton M. ва ҳаммуаллифлар, 2012). Шунга қарамай, бу вақт эндоскопик босқичнинг тезлашиши ҳисобига қопланади ва натижада ўн икки бармоқ ичакнинг катта сўсоғини канюляция қилиш жараёни тезлашади. Техник қийинчиликларни енгиб ўтиш учун Prasad S. ва ҳаммуаллифлар (2015) эндоскопия тугагач ортиқча газни чиқариб ташлаш учун махсус десуффлятор қўллашни таклиф қилишган. Бундан ташқари, эндоскопик босқич бошланишидан олдин холецистэктомия вақтида ўт пуфагини максимал даражада диссекция қилиш тавсия этилган.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ЛЭРВ техникаси 20 йилдан ортиқ вақтдан бери қўлланилиб, холецистохоледохолитиаз касаллигига чалинган беморларни икки босқичли даволаш усулига нисбатан истиқболли муқобил усул сифатида қаралмоқда. Мавжуд маълумотлар бу усулнинг афзалликларини кўрсатади, жумладан, стационарда ётиш муддатининг қисқариши ва эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ) билан боғлиқ панкреатит каби асоратлар хавфининг камайиши (Chen J. ва ҳаммуаллифлар, 2018). Бироқ, кўпгина клиникаларда ЛЭРВнинг тарқалиши бир қатор ташкилий масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги, операция хонасида турли хил ускуналарнинг мавжудлиги зарурати, мутахассисларни жалб қилиш қийинликлари ва рентген нурланиши хавфи сабабли чекланган бўлиб қолмоқда (Martinez A. ва ҳаммуаллифлар, 2020).

**Диссертация тадқиқотининг ушбу олий таълим муассасасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Травмалар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларини профилактика қилиш, диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» мавзусида амалга оширилган (Давлат рўйхати № 012400287).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўт тош касаллиги асоратларидан - холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларнинг жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

Тошли холецистит ва холедохолитиаз билан оғриган беморларда бир вақтнинг ўзида гибрид аралашувини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;

лапароскопик холецистэктомия усулини шошилиш жарроҳлик ёрдами кўрсатиш ва лапароскопик операция давомида холедохда тошлар

аниқланганда эндоскопик папиллосфинктеротомия (Рандеву техникаси) ёрдамида, бир вақтнинг ўзида амалга ошириш орқали такомиллаштириш;

координациялашган лапароскопик ва трансдуоденаль эндоскопик тартибларни бажаришда операция учун керакли жиҳозлар ва аралаш бригада экспозициясини ишлаб чиқиш;

холедохоледохолитиаз билан оғриган беморларда тавсия қилинган лапароэндоскопик Рандеву усулининг клиник қўлланилишининг яқин натижаларини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти.** 2018–2023 йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси жарроҳлик бўлимларида стационар даволанган холецистохоледохолитиаз бўлган ўткир холецистит ва холангит билан оғриган 107 нафар беморлардан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг предмети** холецистохоледохолитиазда ўткир холецистит ва холангит билан оғриган беморларни бир вақтнинг ўзида гибрид жарроҳлик аралашувларини қўллаш билан комплекс текширув ва жарроҳлик даволаш натижаларининг таҳлилидан иборат бўлган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадқиқот усулларида фойдаланилган: умумий клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

илк бор калкулёз холецистит ва холедохолитиаз билан оғриган беморларда Рендевоус усулидан фойдаланган ҳолда ёрдамчи эндоскопик папиллосфинктеротомия билан лапароскопик холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

илк бор холецистохоледохолитиазли беморларни анъанавий даволаш усули операция хонасида Рендевоус усули ёрдамида эндоскопик папиллосфинктеротомия билан бир этапли лапароэндоскопик жарроҳлик усули билан такомиллаштирилган;

илк бор янги ташкилий ёндашув сифатида, лапароскопик ва трансдуоденал эндоскопик амалиётларни мувофиқлаштирилган тарзда амалга ошириш учун мослаштирилган бирлашган жарроҳлик жамоаси ҳамда жиҳозларни жойлаштириш учун ишлаб чиқилган концепция таклиф этилган;

илк бор ишлаб чиқилган Рендевоус усулини қўллаган ҳолда лапароскопик холецистэктомия ва эндоскопик папиллосфинктеротомия комбинациясидан фойдаланиш юқори самарадорлиги ва асоратлар хавфи камлиги билан клиник жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** такомиллаштирилган гибрид операция усули ўткир ёки сурункали калькулёз холецистит фонидида, шу жумладан, операция давомида умумий ўт йўлида тошлар аниқланганда, холецистохоледохолитиазни бир босқичли даволаш имконини беради;

модификация қилинган лапароэндоскопик Рандеву усулини қўллашда ЭПСТ билан боғлиқ бўлган операциядан кейинги асоратлар умумий сони, шу жумладан, операциядан кейинги панкреатитлар сони камаяди, бу икки босқичли тактикада эндоскопик папиллосфинктеротомияга нисбатан

такомиллаштирилган бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган усулнинг хавфсизлигидан далолат беради;

лапароэндоскопик Рандеву операцияси босқичма-босқич операциялар, қайта касалхонага ётиш ва иккинчи операция аралашувининг хавфини бартараф этади. Умумий стационар даволаниш вақти, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфи ва реабилитация муддати қисқартирилган;

лапароэндоскопик Рандеву икки босқичли даволашда эндоскопик папиллосфинктеротомия билан солиштирганда, билиар йўлларнинг дастлабки тозаланишида юқори самарадорликка эга;

**Тадқиқот натижалари ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари замонавий ва амалиётда кенг қўлланиладиган клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари қўллаш орқали тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилли тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиб, ўткир холецистит ва холангит билан оғриган беморларни холецистохоледохолитиазда диагностика ва жарроҳлик даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшади. Ўткир ва сурункали холецистит билан оғриган, холецистохоледохолитиаз хавфи ўртача бўлган беморларда Рандеву техникасида ассистирланган эндоскопик папиллосфинктеротомия билан лапароскопик холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усулини қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, у ўткир ва сурункали холециститларда холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларда такомиллаштирилган методларнинг муваффақиятли амалга оширилишини кўрсатади. Бу, айниқса, ихтисослаштирилмаган амалиётхона шароитида операция столида ўт йўлларида тошлар аниқланган ҳолларда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу методни қўллаш босқичли даволаш, қайта госпитализация ва иккинчи операция зарурати билан боғлиқ хавфларни олдини олишга имкон берган. Беморларнинг стационарда бўлиш умумий вақти ва тикланиш даври қисқартирилди, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфи камайтирилди, бу эса клиник натижаларни сезиларли даражада яхшилади ва тиббий ёрдам сифатини оширган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Калькулёзли холецистит ва холедохолитиаз билан касалланган беморларни диагностика қилиш ва жарроҳлик даволашни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгиллик:* илк бор калкулёз холецистит ва холедохолитиаз билан оғриган беморларда Рендзеву усулидан фойдаланган ҳолда ёрдамчи эндоскопик папиллосфинктеротомия билан лапароскопик холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган. Бу бир босқичли даволашни амалга ошириш ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш имконини

берди. Ушбу таклиф «Холецистохоледохолитиазда эндовидеолапараскопик даволаш» услубий тавсияномаси мазмунига киритилган. Бу таклиф Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмасининг марказий касалхонасининг 2287-7-107-ТВ/2024 буйруғи ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 263U буйруғи билан амалий фаолиятга жорий этилган. *ижтимоий самарадорлик:* ишлаб чиқилган бир вақтдаги лапароэндоскопик даволаш усули жарроҳлик жароҳатини камайтиради ва тикланиш даврини қисқартиради, бу эса беморларнинг кундалик ҳаётга тезроқ қайтишларига, даволаш билан боғлиқ стресс даражасини пасайтиришга ва беморларнинг умумий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради; *иқтисодий самарадорлик:* икки босқичли даволаш (стандарт лапароскопик холецистэктомия ва эндоскопик папиллосфинктеротомия) билан солиштирилганда ўртача харажатлар 10-12 миллион сўми ташкил қилади. Рандеву бир вақтдаги усулини қўллаш бир бемор учун харажатларни 30-40%га қисқартириш имконини беради, бу 6-8 миллион сўми тежайди. 10 нафар бемор учун умумий тежам 40 миллион сўмга етказилиши мумкин;

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор холецистохоледохолитиазли беморларни анъанавий даволаш усули операция хонасида Рендзвоус усули ёрдамида эндоскопик папиллосфинктеротомия билан бир этапли лапароэндоскопик жарроҳлик усули билан такомиллаштирилган. Бу усул «Холесицистохоледохолитиазда эндовидеолапараскопик даволаш» услубий тавсияномасининг мазмунига киритилган. Бу таклиф Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмасининг марказий касалхонасининг 2287-7-107-ТВ/2024 ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 263U буйруқлари билан амалий фаолиятга жорий этилган. *ижтимоий самарадорлик:* ишлаб чиқилган бир вақтдаги лапароэндоскопик даволаш усули жарроҳлик жароҳатини камайтиради ва тикланиш даврини қисқартиради, бу эса беморларнинг кундалик ҳаётга тезроқ қайтишларига, даволаш билан боғлиқ стресс даражасини пасайтиришга ва беморларнинг умумий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради; *иқтисодий самарадорлик:* икки босқичли даволашда қайта госпитализация эҳтимоли 15-20% ни ташкил қилади, ҳар бир кўшимча госпитализация харажатлари 2-3 миллион сўм. Бир вақтдаги методни қўллаш қайта госпитализация эҳтимолини деярли бартараф этади, 10 нафар бемор учун 30-50 миллион сўм тежамини таъминлайди;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор янги ташкилий ёндашув сифатида, лапароскопик ва трансдуоденал эндоскопик амалиётларни мувофиқлаштирилган тарзда амалга ошириш учун мослаштирилган бирлашган жарроҳлик жамоаси ҳамда жиҳозларни жойлаштириш учун ишлаб чиқилган концепция таклиф этилган. Бу усул «Холесицистохоледохолитиазда

эндовидеолапараскопик даволаш» услубий тавсияномаси мазмунига киритилган. Бу таклиф Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмасининг марказий касалхонасининг 2287-7-107-ТВ/2024 буйруғи ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 263U буйруғи билан амалий фаолиятга жорий этилган; *ижтимоий самарадорлик*: жаррохлик гуруҳи ва ускуналардан фойдаланиш усулларининг стандартлаштирилган схемаси инновацион даволаш усулларини турли тиббиёт муассасалари, жумладан, минтақавий касалхоналарда жорий этишга имкон беради, бу эса узок ҳудудлардан келган беморлар учун сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятини яхшилайти; *иқтисодий самарадорлик*: бир вақтдаги усулда стационарда бўлишнинг ўртача давомийлиги 3-4 кунни ташкил қилади, бу икки босқичли даволашга нисбатан сезиларли даражада қисқа. Стационар даволашнинг бир кунининг нархи 300-500 минг сўмни ташкил этганда, бир бемор учун тежам 1-2 миллион сўмни, 10 бемор учун эса 10-20 миллион сўмни ташкил қилади;

*тўртинчи илмий янгилик*: илк бор ишлаб чиқилган Рендзвоус усулини қўллаган ҳолда лапароскопик холецистэктомия ва эндоскопик папиллосфинктеротомия комбинациясидан фойдаланиш юқори самарадорлиги ва асоратлар хавфи камлиги билан клиник жиҳатдан исботланган. Бу усул «Холесицистохоледохолиятазда эндовидеолапараскопик даволаш» услубий тавсияномасининг мазмунига киритилган. Бу таклиф Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмасининг марказий касалхонасининг 2287-7-107-ТВ/2024 буйруғи ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 263U буйруғи билан амалий фаолиятга жорий этилган; *ижтимоий самарадорлик*: модификацияланган ЛХЭ ва ЭПСТ усуллари асоратлар ва етарли даволанмаган жараёнлар билан боғлиқ сурункали касалликлар хавфини камайтиради, бу эса беморларнинг меҳнат қобилиятини сақлаб қолишга ва ногиронлик даражасини камайтиришга ёрдам беради; *иқтисодий самарадорлик*: беморларнинг меҳнат қобилиятига қайтиш вақтини 7-10 кунга қисқартириш уларнинг даромадларини ўртача иш ҳақининг 25-30%га оширишга имкон беради. Ойлик маош ўртача 3 миллион сўм бўлганида, бу 10 нафар бемор учун 7,5-9 миллион сўм кўшимча иқтисодий фойда таъминлайди; *хулоса*: Рандеву техникасида лапароскопик холецистэктомия ва эндоскопик папиллосфинктеротомия комбинациясининг ишлаб чиқилган вариантини клиник қўллаш холецистохоледохолиятаз билан касалланган беморларда бир босқичли даволашнинг юқори самарадорлигини таъминлайди ва асоратлар хавфини камайтиради

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 11 та халқаро ва 2 та республика конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзусида 19 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси мақолалар бўлиб, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг Республиканинг фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Холецистохоледохолитиаз. Даволашнинг замонавий жарроҳлик ёндашувлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, лапароэндоскопик Рандеву 20 йилдан ортиқ вақтдан бери маълумлиги ва холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларни даволашнинг икки босқичли усулига яхши альтернатива эканлиги кўрсатилган. ЛЭРВнинг мавжуд маълумотлари истикболли бўлиб, стационарда бўлиш муддатини қисқартириш ва умумий ўт йўлини танловли канюляциялаш бўйича асосий афзалликларни намойиш этади. Рандеву техникасининг концепцияси ошқозон ости безининг шикастланишининг асосий механизмларини олдини олишга ёрдам беради, бу эса ЭПСТ билан боғлиқ панкреатит пайдо бўлиш частотасининг камайишига олиб келади.

Шунга қарамай, айти пайтда лапароэндоскопик Рандевунинг мавжудлиги кўпчилик стационарларда қуйидаги сабабларга кўра чекланган: ҳал этилмаган ташкилий муаммолар, бир операция хонасида видеолапароскопик операция, перорал манипуляция видеоэндоскопия ва рентгенотелевидение учун ускуна мажмуаларининг мавжудлиги, операцияга қўшимча мутахассисларни жалб қилиш зарурати, бемор ва жарроҳлик бригадаларининг рентген нурланиши.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида калькулёз холецистит ва холедохолитиаз билан оғриган беморларнинг ҳолати, уларга лапароэндоскопик Рандеву ёки умумқабул қилинган усул бўйича ЭПСТ ўтказилганлиги баён қилинган. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик касалликлари кафедрасида бажарилган. Тадқиқотга киритиш мезонлари: ўткир ёки сурункали холецистит билан бирга

холедохолитиазнинг ўрта хавфига эга бўлган беморлар. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари: - ўткир билиар панкреатит билан оғриган беморлар;- холедохолитиазнинг паст хавфига эга бўлган беморлар;- холедохолитиазнинг юқори хавфига эга бўлган беморлар. Тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳи холедохолитиаз билан оғриган 107 та бемордан иборат бўлган. Тадқиқотнинг қўйилган вазифаларини ҳал қилиш учун беморлар қуйидаги тарзда 2 гуруҳга ажратилган:

Биринчи гуруҳни гибрид жарроҳлик аралашуви — лапароскопик холецистэктомия ва Рандеву техникасида холедохолитоэкстракция билан ёрдамчи эндоскопик папиллосфинктеротомия амалга оширилган 55 та бемор (ЛЭРВ гуруҳи) ташкил қилди.

Иккинчи гуруҳни умумий ўт йўлидан конкрементларни олиб ташлаш учун транспапилляр аралашув - холедохолитоэкстракция билан эндоскопик папиллосфинктеротомия амалга оширилган 52 та бемор (ЭПСТ гуруҳи) ташкил қилди. Жарроҳлик даволаш холедохолитиазнинг ургент асорати (механик сарик) билан диктланган бўлиб, эндоскопик папиллосфинктеротомияга мос минимал ҳажмдаги шошилиш операция аралашувини талаб қилди. Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёши 22 ёшдан 82 ёшгача бўлган. Биринчи гуруҳда беморларнинг ёши 22 ёшдан 82 ёшгача бўлган, медиана 59,00 (ИҚР 54,00; 68,00) ни ташкил қилган; иккинчи гуруҳда беморларнинг ёши 22 ёшдан 72 ёшгача бўлган, медиана 60,00 (ИҚР 56,00; 66,00). Тадқиқот гуруҳларида ёш тузилмаси таққосланган;  $p=0,230$ .

Умумий гуруҳда аёллар эркакларга нисбатан 2,1 марта кўп бўлган (67,3% беморлар аёллар ва 32,7% - эркаклар). Бу маълумотлар холецистохоледохолитиазнинг эпидемиологик кўрсаткичларига мос келади. Икки тадқиқот гуруҳида ҳам аёллар кўпчиликини ташкил қилган, биринчи гуруҳда уларнинг улуши 69,1% (38 та бемор)ни ташкил қилган, иккинчи гуруҳда эса 65,4% (34 та бемор)ни ташкил қилган. ЛЭРВ гуруҳида эркаклар ва аёллар нисбати 1:2,2 (мувофиқ равишда 30,9% ва 69,1%), иккинчи гуруҳда эса 1:1,9 (мувофиқ равишда 34,6% ва 65,4%) ни ташкил қилган. Жинс бўйича тадқиқот гуруҳлари таққосланган;  $p=1,000$ .


Кўпчилик беморлар (76,6% (82)) стационарга шошилиш кўрсатмаларга кўра ётқизилган, бу муайян даражада холецистохоледохолитиаз муаммосининг долзарблиги ва бундай беморларни даволаш қийинчилигини кўрсатади. Умумий гуруҳда режали ва шошилиш беморлар нисбати 1:3 (мувофиқ равишда 23,4% ва 76,6%) ни ташкил қилди. Биринчи гуруҳда (ЛЭРВ) ушбу кўрсаткич 1:1,5 ни ташкил қилди; иккинчи гуруҳда (ЭПСТ) шошилиш беморлар улуши анча юқори — 90,4% ни ташкил қилди. 107 та бемордан 76 та (71,0%) беморда ҳамроҳлик касаллиги аниқланган: биринчи гуруҳда — 74,5%, иккинчи гуруҳда — 67,3% беморларда.

Трансабдоминал ультратовуш текширувига кўра, ҳар икки гуруҳдаги барча беморларда ўт пуфагида тошлар аниқланган (1-расм). Биринчи гуруҳдаги (ЛЭРВ) гепатикохоледоҳнинг ўртача диаметри 6,50 мм (ИҚР 6,00; 8,00) бўлиб, ЭПСТ гуруҳидаги холедоҳ диаметрига (6,00 мм, ИҚР 6,00; 8,00;  $p=0,909$ ) мос келган.

Тадқиқот маълумотларига кўра, ҳар икки гуруҳдаги беморларда гепатикохоledoхда конкрементлар аниқланмаган. Умумий ўт йўлида тошларни визуализация қилиш учун компьютер томографияси (КТ) биринчи гуруҳ (ЛЭРВ) беморларининг 34,5% (19та) ва иккинчи гуруҳ (ЭПСТ) беморларининг 28,8% (15та) ҳолатида ўтказилган. Магнит-резонанс томографияси (МРТ) ёрдамида 86 та (80,4%) беморда хоledoхолитиаз тасдиқланган: ЛЭРВ гуруҳида 49 (89,1%) бемор ва ЭПСТ гуруҳида 37 та (71,1%) бемор (2-расм).




**1-расм. Ўт пуфаги ва умумий ўт йўлидаги тошларни сонография қилиш**



**2-расм МР-панкреатохолангиография. Дистал хоledoхнинг блокляниши**



**3-расм. Интраоперацион холангиография. Ички ва ташқи ўт йўлларининг кенгайиши**




**4-расм. Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография. Дистал хоledoх конкременти**

Интраоперацион холангиография (ИХГ) ЛЭРВ гуруҳининг барча 55 та беморига умумий ўт йўлида тошларнинг мавжудлигини тасдиқлаш ва конкрементлар ҳажмини аниқлаш учун ўтказилган. ИХГ маълумотларига кўра, ЛЭРВ гуруҳида умумий ўт йўлининг ўртача диаметри 9,00 мм (ИҚР 8,00; 12,00), ушбу гуруҳ конкрементларининг ўлчами 6,00 мм (ИҚР 4,00; 8,00) ни

ташқил қилган (3-расм). Иккинчи гуруҳнинг (ЭПСТ) барча 52 та беморига эндоскопик ретроград холангиопанкреатография (ЭРХПГ) ўтказилган. ЭРХПГ маълумотларига кўра, ушбу гуруҳда умумий ўт йўлининг ўртача диаметри 10,00 мм (ИҚР 8,00; 12,00), конкрементлар диаметри эса 5,00 мм (ИҚР 4,00; 8,00) ни ташқил қилган (4-расм).

Диссертациянинг «Холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларни бир вақтнинг ўзида лапароэндоскопик даволашнинг такомиллаштирилган усули» деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган усулни қўллашнинг асослангирилиши ва самарадорлиги кўрсатилган. Биринчи гуруҳдаги (55 та) беморларда ЛЭРВни бажаришда лапароскопик усулда ўт пуфаги олиб ташланган ва умумий ўт йўли эндоскопик йўл билан ўн икки бармоқли ичак Фатер сургич орқали санация қилинган.

Операцияда икки тажриба жамоаси - жарроҳлик ва эндоскопик жамоалари қатнашган. Аралашув умумий анестезия ва трахеянинг интубацияси ҳамда ИВЛ ёрдамида амалга оширилган. Бемор операция столига икки оёқни кенгроқ қилиб ётқизилган («француз позицияси»), кўкрак қисми 15–20 даража кўтарилган (Г.Р. Фоулер позицияси), операция столи бироз чапга 10-15 даража бурилган.



**5-расм. Операция жамоалари ва ускуналар жойлашуви схемаси**




**6-расм. Жарроҳлик ва эндоскопик жамоалар жойлашуви**

Лапароскопик босқични амалга ошириш учун мослама операция столи бош қисмида ўнг томонда жойлаштирилган. Жарроҳ беморнинг оёқлари орасида турган, ассистент жарроҳнинг ўнг томонида, жарроҳлик анжомлар столи, операцион ҳамшираси чап томонда жойлашган. Эндоскопик босқични амалга ошириш учун мослама операция столи бош қисмида чап томонда ўрнатилган. Аралашувни амалга ошириш учун эндоскопист беморнинг чап

елкасида, ҳамшира эндоскопистнинг ўнг томонида жойлашган. Жамоалар шундай жойлашганки, кузатув ва операция қилиш ўқларининг нисбати на жарроҳнинг, на эндоскопистнинг стандарт операция аралашувлари билан солиштирилганда ўзгармаган (5,6-расм).

Операция шартли равишда тўрт кетма-кет босқичга бўлинган: - биринчи лапароскопик босқич;- лапароскопик ва эндоскопик жамоаларнинг ҳамкорлик босқичи (Рандеву);- эндоскопик босқич;- иккинчи лапароскопик босқич.

Биринчи босқичда пуфак артерияси ажратилиб, уни 5 мм титан клипсалар билан ишлов берилган ва монополяр L-шаклидаги илгак билан кесиб ўтишган. Кейин пуфак йўлини максимал даражада ажратиб олишган. Пуфак йўлининг дистал қисмига, ўт пуфаги бўйни яқинига 5 мм титан клипса қўйгандан сўнг, қўйилган клипсанинг пастроқ қисмидан интраоперацион тўғри холангиография амалга оширилган. (7,8-расм).



**7-расм. Қисқичлар ёрдамида интраоперацион холангиография.**



**8-расм. Интраоперацион холангиография.**


Иккинчи босқичдаги оператив аралашув (Рандеву) вақтида жарроҳлик ва эндоскопик жамоаларнинг ҳамкорлиги талаб қилинади. Жарроҳ олдинроқ қўйилган клипсадан пастроқда пуфак йўлини кесиб ўтиб, троакар орқали диаметри 3 мм бўлган 450 см узунликдаги эндоскопик симни пуфак йўлига киритади. Кейин симни ўн икки бармоқли ичак Фатер сурғичи орқали ўн икки бармоқли ичак ичига антеград равишда ўтказилади (9-расм).

Сим ўн икки бармоқли ичак Фатер сурғичи орқали ўтказилгандан сўнг, эндоскопист одатий усулда видеодуоденоскопни ўн икки бармоқли ичакга киритиб, Фатер сурғичи ичида сим жойлашганлигини визуализация қилади. Ўн икки бармоқли ичак ичида симни модификацияланган пол эндоскопик буж орқали тутишади (10-расм).


Дуоденоскопнинг ишчи каналидан эндоскопик симни тутиш ва ўтказиш учун буж диаметри 3.0 мм бўлган пол таёкчадан иборат бўлиб, катетернинг дистал учи 45 даража бурилган ва унинг ёнгарнида 5 мм узунликда, 1,5 мм

кенгликда тешик мавжуд, бу симнинг катетер нури бўйлаб ҳаракатини визуал назорат қилиш имконини беради. Рентгенологик назоратсиз аралашув шароитида эндоскопик симни ўн икки бармоқли ичак ичида тутишни осонлаштириши ва эндоскопик симни катетер ёрдамида ишончли тутиш ва унинг дуоденоскопнинг ишчи канали ташқи тешигига ўтиши назоратини таъминлайдиган ғовак эндоскопик катетер конструкцияси яратилади.

Гибрид аралашувининг учинчи эндоскопик босқичида папиллотом сим бўйлаб туширилиб, ўн икки бармоқли ичак Фатер сурғичи ампуласига киритилган, шу тариқа холедохнинг селектив интубацияси амалга оширилган. Ретроград эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ) стандарт усулда амалга оширилган (11-расм). Шундан сўнг, папиллотом олиб ташланиб, эндоскопик сим ўт йўлларида қолдирилган. Умумий ўт йўлининг диаметри ва тошларнинг ўлчамига боғлиқ ҳолда, литоэкстракция турли ўлчам ва каттиқликдаги Дормиа тўрт симли саватча билан амалга оширилган (12-расм).



9-расм. Симни антеград равишда 12 бармоқли ичакка ўтказиш



10-расм. Симни 12 бармоқли ичакка ичида тутиш

Тўртинчи босқичда «бўйиндан» лапароскопик холецистэктомия амалга оширилди. Иккинчи гуруҳдаги 52 та беморга стандарт усул бўйича ЭПСТ ўтказилган.



11-расм. Папиллосфинктеротомия



12-расм. Холедохолитоэкстракция

Диссертациянинг «Лапароэндоскопик Рандеву усулидан фойдаланган ҳолда холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларни даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ушбу усулни қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Барча 55 та асосий гуруҳ беморларда калькулёз холецистит фониди модификацияланган лапароэндоскопик метод ёрдамида бириккан патология бартараф этилган. Ушбу аралашув турини қўллаш ўткир ва сурункали холецистит ва умумий ўт йўли билан оғриган беморларда операциялар сонини камайтирди, стационарга ётқизилишлар сони ва даволаш муддатини қисқартирган.

Лапароэндоскопик Рандеву операция аралашуви ўртача давомийлиги 120,0 дақиқа (ИОР 90,0;120,0) ни ташкил қилган. Сурункали яллиғланиши бўлган беморларда операция давомийлиги ўткир холециститга қараганда анча паст бўлган;  $p = 0,035$  (мувофиқ равишда 90,0 дақиқа (ИҚР 80,0; 120,0) ва 120,0 дақиқа (ИҚР 100,0; 170,0)), бироқ ўткир холециститда яллиғланишнинг намоён бўлиши (катарал ёки флегмоноз) операция аралашувининг давомийлигига таъсир қилмаган;  $p = 0,138$ . Эндоскопик босқич (ЭПСТ холедохолитозэкстракция билан) давомийлиги ўртача 15,0 (ИҚР 10,0; 20,0) дақиқа ташкил қилган. Интраоперацион асоратлар кузатилмаган.

Лапароскопик холецистэктомияга боғлиқ бўлган операциядан кейинги асоратлар 2 та беморда (3,6%) пайдо бўлган. 5,45% (3 та ) ҳолатда операциядан кейинги ЭПСТ билан боғлиқ асоратлар аниқланган: 1 та (1,8%) беморда папиллотомия соҳасидан операциядан кейинги қон кетиш ва 2 та (3,6%) беморда операциядан кейинги панкреатит, беморлар операциядан кейинги панкреатит ривожланиши учун юқори хавф гуруҳига кирган. 2 та (3,6%) ҳолатда операциядан кейинги даврда беморда ЎАТЭ кичик шохларда полисегментар пневмония ривожланиши билан аниқланган. Асоратлар бирикмаси кузатилмаган. Шу тариқа, лапароэндоскопик аралашувдан ўтган 55 та беморда жами 7 та (12,7%) асоратлар қайд этилган: 3 та ҳолатда I-даражали (5,45%) ва 4 та ҳолатда (7,2%) Славиев-Диндо жарроҳлик асоратлари классификацияси бўйича IIIа, IIIб - даражали асоратлар бўлган.

Гиперамилаземия 7 та (12,7%) беморларда учраган. Операциядан кейин асосий гуруҳнинг 10 та (18,2%) бемори интенсив терапия бўлимида назоратда бўлган. ЛЭРВ гуруҳида ўлим ҳолатлари кузатилмаган.

Тадқиқот гуруҳи беморларида гепатикохоледохнинг тўлиқ санитарияси бир босқичда 85,7% (47 та) ҳолатда эришилган. 6 та беморга билиар трактни тўлиқ тозалаш учун иккинчи транспапилляр аралашув амалга оширилган. 2 та беморга уч эндоскопик процедура ўтказиш талаб қилинган. Госпитализациянинг ўртача давомийлиги 7,0 (ИҚР 6,0; 8,0) кунда ташкил қилган. Операциядан кейинги асоратлар ривожланиши 7 та (12,7%) беморларда стационар даволаниш муддатининг ўртача 13,0 (ИҚР 11,5; 14,0) кунгача кўпайишига олиб келган.

Шуни таъкидлаш керакки, умуман олганда, калькулёз холецистит фониди холангиолитиаз ўрта хавфига эга бўлган беморларни модификацияланган лапароэндоскопик Рандеву методи ёрдамида даволаш натижалари қониқарли

бўлган. Улар Рандеву техникасидаги гибрид лапароэндоскопик операция ёрдамида холангиолитиаз билан оғриган беморларни даволаш натижаларини акс эттирувчи адабиётлар маълумотларига тўла мос келади.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Эндоскопик папиллосфинктеротомия усули билан стандарт икки босқичли метод бўйича холецистохоледохолитиаз билан оғриган беморларни даволаш натижалари**» деб номланган бешинчи бобида икки босқичли ёндашувнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш натижалари, шунингдек, асоратлар тезлиги, даволаш муддати ва беморларнинг тикланиш муддатлари муҳокама қилинган. Назорат гуруҳнинг барча 52 та беморига папиллотомия ўтказилган, 50 та (96,1%) беморда холедохолитиаз транспапилляр кириш йўли билан бартараф этилган. ЭПСТ гуруҳида операция аралашувининг ўртача давомийлиги 30,0 дақиқа (ИҚР 20,0; 45,0) ни ташкил этган. Интраоперацион асоратлар кузатилмаган. Операциядан кейинги даврда 12 та (23,1%) беморда ЭПСТ билан боғлиқ 12 та (23,1%) асоратлар кузатилган: 2 та (3,8%) ҳолатда папиллотомия соҳасидан операциядан кейинги қон кетиши, 2 та (3,8%) ҳолатда флегмоноз калькулёз холецистит ривожланиши, 8 та (15,4%) ҳолатда манипуляциядан кейинги панкреатит ривожланиши кузатилган.


Шу тариқа, Славиев-Диндо жарроҳлик асоратлари классификацияси бўйича I-даражали асоратлар 11 та (21,2%) ҳолатда, IIIа -даражали асоратлар 2 та (3,8%) ва IIIб-даражали асоратлар 4 та (7,7%) ҳолатда кузатилган. ЭПСТ назорат гуруҳида гиперамилаземия 32 та (61,5%) беморда учраган. Операциядан кейин интенсив терапия бўлимида гуруҳнинг 3 та (5,77%) бемори кузатилган. ЭПСТ гуруҳида ўлим ҳолатлари кузатилмаган. Ушбу гуруҳдаги беморларда гепатикохоледохнинг санитарияси бир босқичда 35 та (67,7%) беморда эришилган. 12 та (22,6%) беморга билиар трактни тўлиқ тозалаш учун иккинчи транспапилляр аралашув амалга оширилган. 3 та (6,5%) беморга уч эндоскопик процедура ўтказиш талаб қилинган. 2 та (3,8%) беморда гепатикохоледохдан конкрементларни транспапилляр олиб ташлашнинг иложи бўлмаган.

